

**ВЕТЕРИНАРИЯ СОҲАСИ БЎЙИЧА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ**

Самиев Абдулло Яшинович

Тошкент Кимё халқаро университети Самарқанд филиали,

«Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси

E-mail: a.samiev@kiut.uz

Аннотация: Ушбу мақолада Собиқ иттифоқ тузуми даврида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги мутахасисларининг тайёрланишида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти муҳим аҳамият касб этганлиги ёритиб берилган. Ўтган давр мобайнида институтда Республика учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги, хусусан, ветеринария соҳаси бўйича салмоқли миқдордаги кадрлар тайёрланди. Мазкур мақола ветеринария соҳаси мутахасисларининг тайёрланишида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ўрни ва ролига бағишланган.

Калит сўзлар: ветеринария, “Ўзбекистон давлат зооветеринария институти”, “Ўзбекистон давлат пахтачилик институти”, қишлоқ хўжалиги ўқув юртлари, тайёрлов курслари, илмий – тадқиқот ишлари.

КИРИШ: Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, республикани хом ашё базасига айлантириш ишлари олиб борилди. Собиқ иттифоқнинг пахта мустақиллигига эришишида Ўзбекистоннинг ўрни катта эди. Республикада қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлашга кўплаб соҳа мутахасислари талаб қилинар эди. Бу даврда, республикада мазкур соҳа мутахасисларини тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор берилди. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилишида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти сифатида танилган ўқув юртининг ўрни ва роли катта бўлди. Шу сабабли, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги, хусусан, ветеринария соҳаси



мутахасисларини тайёрлаш ишларининг ушбу институт фаолияти мисолида таҳлил қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

АСОСИЙ ҚИСМ: Совет ҳукумати томонидан 1920-йилларнинг охирларида совет жамиятининг оёққа турганлиги эълон қилинганлигига қарамасдан, мамлакат миқёсида қорамол, қўй, эчки, чўчқаларнинг умумий сони 1916 йилдагига қараганда кам эди. Ветеринария медицинаси соҳасида бир қанча ишларнинг амалга оширилганлигига қарамасдан, мазкур соҳа давлатнинг ортиб бораётган эҳтиёжларидан орқада қолган эди. Шу сабабдан 1926-1932 йилларда совет ҳукуматининг бир қатор қарорлари қабул қилинди ва ташкилий чоралари белгиланди [1,115]. Жумладан, ВКП(б) МҚ томонидан бутун иттифокда қишлоқ хўжалигини яхшилаш борасида таклифлар билдирилди. Бу эса ўз навбатида ВКП(б) МҚ нинг 1928 йилдаги пленуми қарорларида ўз аксини топди.

Собиқ совет ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган Ўзбекистонда эса қишлоқ хўжалиги бўйича кадрлар тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилди. 1928 йилги пленумдан кўп ўтмасдан Самарқанд шаҳрининг Панжикент кўчасидаги 8-уйда ва Оҳалик кўчасидаги 42 – уйда “Ўзбекистон давлат зооветеринария институти” (ЎЗДЗВИ) ва “Ўзбекистон давлат пахтачилик институти” (ЎЗДПИ) фаолияти йўлга қўйилди [5, 8]. Шу билан бирга мазкур даврда Республика ҳукумати томонидан Қўқон, Бухоро ва Карманада янги қишлоқ хўжалиги ўқув юртлари ташкил этилди [2, 8].

Институтларнинг ташкил топган илк йилларидан бошлаб уларни малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш ишларига эътибор қаратилди. Жумладан, биргина Ўзбекистон Давлат пахтачилик институтида 1930 йилнинг охирида 120 нафар талабага 6 нафар профессор, 5 нафар доцент, 12 нафар ўқитувчи ва 40 нафар ассистент тўғри келди. Шунингдек, институтнинг киришга тайёрлов курсларида эса 1000дан ортиқ ёшлар таҳсил олдилар [3,10].



ЎзДЗВИ ва ЎзДПИ нинг алоҳида тўрт йиллик фаолияти давомида иккала институт ҳам шаклланди, умумий таълим, махсус бўлимлар яратилди. Ўзбекистон давлат пахтачилик институти ирригатор муҳандислари соҳасининг биринчи битирувчиларини чиқарди. Шунингдек, дастлабки илмий ишлар чоп этилди. Аммо, 1933 йилга келиб бир шаҳарда жойлашган мазкур икки олий ўқув юртининг фаолиятида бир - бирини такрорловчи жиҳатлар мавжуд эканлиги кўзга ташланди. Илмий ходимлардан бундай фойдаланиш педагогик жараённинг сифатини пасайтирди ва илмий кадрлар тайёрлашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Мана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бошқарув тизимидаги ортиқча харажатларни камайтириш мақсадида ЎзССР НКЗ нинг 1933 йил 25 сентябрдаги қарори билан ЎзДЗВИ ва ЎзДПИ лар бирлаштирилди ва уларнинг негизида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги институти ташкил этилди [4, 21]. Унинг таркибига қўшимча тарзда Қўқон пахтачилик институти ва Самарқанд қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникуми ҳам қўшилди. Бу эса ўз навбатида янги ташкил этилган институтнинг таълим бериш соҳалари тармоғининг кенгайишига ёрдам берди.

Янги ташкил этилган институтда ўсимликшунослик, механизация, зоотехника ва ветеринария факультетлари мавжуд эди. Ўсимликшунослик факультетида пахтачилик, дончилик ва гуруч етиштириш бўлимлари мавжуд бўлса, зоотехника факультетида эса чорвачилик ва қоракўлчилик бўлимлари фаолият олиб борди.

Бу даврда маҳаллий кадрлар сонини кўпайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, миллий кадрлар масаласини ҳал қилишда ўша даврдаги Ўзбекистон Комиссарлари Кенгашининг раиси Ф.Хўжаев яқиндан ёрдам кўрсатди. Институт директори вазифасида фаолият юритаётган профессор В.В.Макеев эса ёш мутахасис ҳисобланган Самарқанд педагогика академияси тарих факультети талабаси В.Азизовни ўзига ўринбосар сифатида тасдиқлашларини сўраган эди. Шу сабабли, 1931 йилда В.Азизов институт директорининг умумий масалалар бўйича ўринбосари этиб тайинланди. Бироз



вақтдан сўнг В.В.Макеевнинг Москвага жўнатилиши сабабли институт директори сифатида В.Азизов тасдиқланди[3,13].

Урушдан олдинги йилларда институт фаолияти натижасида институт илмий салоҳияти ошди. Жумладан, 1936-1937 ўқув йилида 6 та асосий штатдаги ва 5 та асосий штатда бўлмаган профессорлар, 40 та доцент ва 44 нафар ассистент фаолият юритди. 1937 йилда институт миқёсида 429 нафар талаба ўқишни битирган бўлса[4, 49], шундан 105 нафари ветеринария факультетини тамомладилар.

Мазкур даврда институтнинг агрономлик факультети 9 матораба, зоотехника 7 та, ветеринария соҳаси 8 та, муҳандис ирригатор ва муҳандис механизаторлик йўналишлари бўйича бир маротаба битирувчиларни етиштириб чиқарди. Бундан ташқари, мазкур даврда институт миқёсида илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилди. Жумладан, 1940 йилда институт илмий ишлари жамланган китобнинг биринчи томи нашрга берилди. Шунингдек, 1940 йилнинг ўзида 7 та илмий иш ҳимоя қилинди.

Бу даврда мазкур институт таркибида фаолият юритган энг катта факультет ветеринария факультети ҳисобланар эди. Бу даврда факультетда паразитология, ички касалликларнинг клиник ташхиси, эпизоотология, хирургия, вирусология, ветсанэкспертиза, жониворлар маҳсулотининг технологияси, микробиология, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг нормал ва паталогик физиологияси, ветеринар акушерлик ва (искусственного осменения), гистология ва паталогик анатомия, қишлоқ хўжалиги жониворларининг нормал анатомияси, тиллар, жисмоний тарбия каби кафедралар фаолият юритди.

1968-1969 ўқув йилида ветеринария йўналишида таҳсил олган сони 517 нафарни ташкил қилди. Шундан 479 нафарини эркаклар, 47 нафарини аёллар ташкил қилди. Шу билан бирга, бу даврда илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилди. Жумладан, 1969 йилнинг май ойига қадар ҳимояга қабул қилинган илмий ишларнинг 185 тасини ветеринария соҳаси бўйича қилинган ишларни ташкил этди[4,49].



Мазкур даврларда институтда фаолият юритган ва унда таҳсил олган талабаларнинг миллий таркиби хилма хил кўринишга эга бўлди. Жумладан, мазкур даврда фаолият юритган 10 нафар профессорларнинг барчаси ўзга миллат вакиллари, 41 та доцентдан бор – йўғи 5 нафари, 44 нафар ассистентдан эса 16 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти бу даврда собиқ совет тузумининг хом ашё базасига айлантирилган ва бир томонлама иқтисодий сиёсат юритилган Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги, хусусан, ветеринария соҳасида кадрлар тайёрлаш ишларида катта рол ўйнади. Бу даврда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти нафақат ташкил этилди, балки, у республика миқёсидаги нуфузли олий таълим муассасалари қаторига қўшилди. Бу борада институтда фаолият юритган фидоий ходимларнинг хизматлари катта бўлди. Уларнинг фаолияти ўлароқ қишлоқ хўжалиги, хусусан, ветеринария соҳасидаги кейинги илмий тадқиқотлар учун ўзига хос замин яратилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Никитин И.Н., Калугин В.И. “История ветеринарии”, В.О. “Агропромиздат”, 1988, Ст-115.
2. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти 70 ёшда (Институт тарихига бир назар),- Самарқанд, 1999,- Б. 8.
3. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти. Ўтмиши, бугуни ва келажаги (1929-2009),- Тошкент, 2009. -Б. 10.
4. Хаитов Р.Х., Покудин А.А., Горелов Е.П. “Вчера, сегодня, завтра” (Очерк о СамСХИ им. В.В.Куйбышева), Самарқанд, 1969, С. 21.
5. Юлдашев С.Ю. “Самаркандский сельскохозяйственный институт им. В.В. Куйбышева”-Ташкент, Издательство “Узбекистан”, 1979. С.8.